

АМИРҚУЛ ҚАРИМ

**ТАРИХНИНГ
УЗИЛГАН
ПАРЧАСИ**

ТОШКЕНТ – 2015

УЎК 070.4(045)
КБК 76.01
К25

Амирқул Карим

Тарихнинг узилган парчаси. Адабий-публицистик мақолалар, сафарномалар. Т.: “Тuron-Iqbol”, 2015, 168 бет.

Шоир ва таржимон Амирқул Карим “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, ҳозирги “Туркистон”, “Хуррият” газеталари, “Ёш куч” журнали ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигидаги журналистлик фаолияти давомида кўплаб публицистик, адабиётшуносликка оид мақолалар ёзган. Унинг миллий-маданий меросимиз, жумладан, Навоий, Бобур ижоди, ёшлар муаммолари, ОАВнинг жамиятда тутган ўрни ҳақидаги мақолалари, шунингдек АҚШ, Буюк Британия, Италия, Афғонистон, Белгия, Исроил ва бошқа турфа мамлакатларга саёҳати натижасида яралган сафарномалари шулар жумласидандир. Ижодкор бу мақолаларда инсоннинг замон ва макондаги ўрни, турфа халқларнинг ўзига хос жиҳатлари борасида мулоҳаза юритади, ибрат бўлгулик янгиликларни, дунёқарашимизни бойитадиган маълумотларни тақдим этишига интилади.

Ушбу мажмуа кенг китобхонлар оммаси, мамлакатшунослик, адабиёт, журналистика соҳасига қизиқувчилар, шунингдек, олий ўқув юртларида журналистикадан сабоқ олаётган талабалар учун қимматли рисола бўлади деб ишонамиз.

ISBN -978-9943-14-339-5
© Амирқул Карим, 2015 йил.

МҮНДАРИЖА

Сўзбоши.....	5
--------------	---

I боб. Буюк меросга ворислик

Манфаатлар уйғунлиги	7
“Навоий уммонин ғаввоси бўлгин”	11
Ўқиб Навоийни	15
Назири йўқ даҳо	17
Кўнгил тубидаги ният	22
Инсон руҳияти мусаввири	28
Миллатни жипслаштирувчи ғоя.....	34
Миллат маънавияти сарчашмаси	40
Адолат тарозусининг уч палласи.....	47
Тошлар сўзлаганда	50
Катэ Даниэла: ўзбек рақсларининг ошиғиман.....	57
Руҳият мувозанати қўшиқдан	63

II боб. Матбуот – миллат ҳаётининг кўзгуси

Қачон қиёмат қойим бўлади?.....	66
Навойдан “ақлли” замондош	70
Келажак касблари	74
Францияда журналистларга таъриф бошқача.....	79
Энг яхши матбуот... ..	81
Маърифат эҳтиёжи	84
“Демократия оролчаси”: ютуқ ва муаммолар.....	86
Ўзимизнинг Юсуф ака.....	93
Кўпларнинг Жўраси	98

III боб. Хотирдаги манзаралар

Тарихнинг узилган парчаси	102
Асирликда икки йил	121
“Имкониятга яраша демократия”	126
Ротшильд боғидаги карат меваси	132
Лондондаги тажовуз	136
Брюгге деразалари	148

IV боб. Оқйўл, сўзбоши ва сўнгсўзлар

“Нон билан гул ҳиди омухтам, Тошкент!”	150
Туйғулар самимияти	156
Ворислик йўлидаги ибрат	158
Гўзал умр боғининг сарҳил мевалари.....	160
Аланга ҳислар.....	163
Умидбахш сатрлар	166

СЎЗБОШИ

Бир донишманд “Инсон ўз шахсий ўйлари ва хулосаларининг тор қобиғидан чиқиб, бутун инсоният хулосаларига боғлана олмас экан, яшашни бошлай олмайди”, деган экан. Дарҳақиқат, инсон ўзлигини, дунёга нега келганини, зиммасида қандай масъулият мавжудлигини, қолаверса, жамиятда яшашдан му-род нелигини англамаса, унинг турмушини ҳақиқий ҳаёт, деб аташ мушкул.

Бу ҳикмат буюк бобомиз Алишер Навоийнинг огоҳ-ликни вазиятга шоҳлик деб таърифлашларини эсла-тади. Дунёни англашга интилиш, кўрилган нарса ва ҳодисалардан ибрат олиш, ахийри ўз умрингга ўзинг соҳиб бўлишга олиб келади. Гоҳида биз ҳаётни безаш ва унда эътибор қозониш учун катта ишлар қилиш керак, дея ўйлаймиз. Бироқ, таниқли француз адиби Ш.Монтескье “Буюк ишларни амалга ошириш учун беназир даҳо бўлиш шарт эмас, одамлардан юксак бў-лиш ҳам талаб этилмайди, улар билан бирга бўлсанг кифоя”, деган эди. Халқ билан бирга бўлиб, унинг ко-рига яраш, тинимсиз маърифат излаш, дарҳақиқат, умрининг ҳақиқий бегагидир.

Қуйидаги мақола ва сафарномалар менинг турли йилларда хорижга қилган хизмат сафарларим, халқи-мизнинг буюк меросидан ғурурланиб, уларни миллат-дошларимизга улашишга интилишларим, “тўртинчи ҳокимият” деб ном олган оммавий ахборот восита-ларининг жамиятда тутган ўрни, шу соҳада меҳнат қилаётган айрим сафдошларимиз ҳақида кузатишла-римдан иборат.

ФИРК – ЁЛҒИЗЛИК БИЛАН ИХТИЛОҒ НАТИЖАСИ

*Мен ўзимни фикр сифатидагина биламан,
аммо ҳануз ўзимни мия сифатида билолганим
йўқ.*

Рене Декарт.

*Санъатга меланхолик ва етарли даражада
бахтсиз одамлар керак.*

Стендаль.

*Ижод – бу озод бўлиш демакдир. Зеро Хеменгуэй
бежизга “мен бу ҳақда ёздим – кўп нарсадан озод
бўлдим”, демаган.*

С.Иванов.

*Фикрлаш – ўзинг билан сўзлашиш... ўзингни
тинглаш деганидир.*

И.Кант.

*Исботлаш учун икки шахс керак. Мутафаккир
исбот қилиш учун иккига бўлинади, ўзига ўзи қар-
ши чиқади. Фикр ана шу ўзлик билан ихтилофни
бошдан кечиргачгина исботланган ҳисобланади...
Мутафаккир ўзига мухолиф бўлгани учун ҳам ди-
алектикдир. Ўз фикрига шубҳа билан қараш – юк-
сак даражада санъат ва қудратдир.*

Фейербах.

*Кўп вақтдан буён ўйлашимча, инсониятга
ёзувчилик суҳбатдош ва дўстга қондирилмаган
эҳтиёж “қайгу”си туфайли пайдо бўлган.*

А.Ухтомский.

I БОБ.

Буюк меросга ворислик

МАНФААТЛАР УЙҒУНЛИГИ

Мутафаккир устозимиз Очил Тоғаев биз шогирдларига журналистика жанрларининг ўзига хосликлари ҳақида сўзлар экан, доимо “Қаҳрамонларни мураккаб ҳаётий вазиятларда кўрсатинг. Ҳаёт қийинчиликларини енгишда уларнинг ҳақиқий сиймоси, сийрати намоён бўлади”, дер эдилар.

Дарҳақиқат, инсоннинг асл моҳияти манфаатлар тўқнаш келганда намоён бўлади. Ана шу тўқнашувда виждонини ўз нафси қутқусидан омон олиб чиқа олган кимса ҳақиқий марддир. Шу боис боболаримиз қадимдан комил инсон тарбиясини нафс тарбияси билан бошлаганлар. Зеро тасаввуф тариқатининг пирларидан бири Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор “Жавомеул калим” рисоласида айтганлари каби “Ҳар нарса то тирикдур, тозадур. Вақтеки, ўлса, нопок бўлур. Магар нафски тирик бўлса, нопокдур ва ўлса покдур”.

Албатта, нафсни буткул ўлдириб бўлмайди. Инсоннинг тириклиги аслида нафс билан. Аммо ўзингизни нафс ихтиёрига топширсангиз, дунёга нега келганингизни унутасиз. Бойлик илинжи қалб ойинасини хиралаштиришга киришади. Қарабсизки, оламнинг моҳияти эзгуликда эканини фаромуш қиласиз. Оқибатда умрни зое кеткizasиз.

Боболаримиз “нафсни ўлдириш” деганларида уни доимо назоратда тутишни, кибрга берилмасдан нафс-

ни остонада, пойгакда ушлашни назарда тутганлар. Буюк Алишер Навоий нафс ҳақида сўзлаб, умрни таъма билан ўтказмоқ ўлмасдан олдин ўзни ўлдириш билан баробардир, дейдилар.

*Ажал чун муқаррадур ўлмак учун бас, таъмадин,
Недур гам ўтига куйдурмак ўзни,
Чу тугмоқдур ўлмак учун, бас не яъни
Ўлардин бурун ҳар дам ўлтурмак ўзни.*

Қадимдан боболаримиз комил инсон ким? деган саволга жавоб излаб, бу борада бизга катта маънавий хазина қолдириб кетганлар. Хусусан, биз юқорида қайд этган Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор “Жавомеул калим” рисоласида нафс борасида фикр юритиб, одамлар тўрт тоифага мансуб эканини айтади. “Мардум тўрт қисмдур: бири – лаъимки, на ўзи ер ва на бировга берар. Иккинчиси – бахилки, ўзи ер ва лекин бировга бермас. Учинчиси – сахийки, ўзи ҳам ер, бировга ҳам берар. Тўртинчиси – каримдирки, ўзи емас, бировга берар”.

Нафснинг яна бир кўриниши кибр, бошқалардан ўзини баланд қўйиш, обрў-эътибор талашишдир. Феълида бундай нохуш кайфият ўрин олган киши тезда ундан фориф бўлишга интилмоғи зарурдир. Зеро бундайлар маънавияти инсон мартабасига номуносиб саналади. Ҳадемай таваллуд кунларининг 575 йиллиги мамлакатимизда нишонланадиган буюк Алишер Навоий ҳақиқий маънавиятли кишилар кимлар, деган саволга қуйидагича жавоб беради:

*Аҳли маъни гуруҳида зинҳор
Ҳеч ор айлама гадолигдин.
Ким буларга гадолиг ортуқдур,
Аҳли суратқа подшолигдин.*

Ҳа, инсоннинг амали тўплаган бойлиги, сарвати билан ўлчанмайди. Гоҳида юпун кўринган инсон маънавияти жуда бой бўлиши мумкин. Аждодларимиздан қолган бу каби маънавий мерос бугунги кунда миллий мафкурамизнинг таркибий қисми сифатида баркамол авлод тарбиясига хизмат қилмоқда.

Президентимиз бежизга “Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир”, деганлари йўқ. Зеро “Маънавият – инсоннинг, халқнинг, давлатнинг куч-қудратидир”.

Инсон ўз-ўзидан маънавиятли бўлиб қолмайди. Бунинг учун машаққатлар чекиши керак. Маънавиятга элтувчи ягона йўл – маърифатдир. Бу маърифатнинг бир қисмини биз гоҳо тириклик машаққатларида ҳалол меҳнат қилиб ризқ топиш жараёнида, гоҳида ўқилган китоб хулосасида, гоҳида ҳаётда рўй берган, содир бўлаётган воқеалар ибратидан орттирамыз.

Баъзан ҳаёт қийинчиликларга дучор этса, рақиб ранж етказиб, ишимиз орқага кетса ҳам бу руҳий изтироблар пўртанасидан фақат маънавият истиқболига олиб чиқувчи маърифат бизни қутқаради. Дилга етган озорни вақт аталмиш ҳакамга топширсангиз, бебаҳо умр лаҳзаларини бой берасиз. Яхшиси, сиз ўтган воқеанинг ҳикматини сабоқ сифатида олиб, келажак сари яна мурод билан интилсангизгина ютасиз:

*Йиқитган отингдан юрма ўпкалаб,
Рақиб ранжидан ҳам чекмагил алам.
Эгарда собитлик илмини ўрган,
Дардингга маърифат даводир, болам!*

Сўзимизни Юртбошимизнинг ушбу сўзлари билан ақунлашни лозим топдик: “Ватанга бўлган меҳру муҳаббат ҳар қандай муаммони ечишга, ҳар қандай

ёвуз кучни енгишга қодир... Манфаатпарастликнинг майда-чуйда ташвишларига ўралашмоқ – Ватанга, халққа, келажак авлодга хиёнат бўлади! Ўзбекистон манфаати ҳар қандай шахсий манфаатлардан баланддир. Ватанга хизматкор бўлайлик!”.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/3810> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/3810> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/3810>